Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

5-йил чиқиши.
18 МАЙ 1970 й.
ДУШАНБА
№ 115 (1183).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Беш йиллик—муддатидан илгари

САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРА БОРИБ

Ватанпарварлик ташаббусига қўшилиб
Беш йиллик план 15 октябрга бажарилади
Пландан ташқари 26 минг тонна маҳсулот

Яқинда комбинатимизда социалистик мусобақа якунлари қараб чиқилди. Ана шу якун пайтида 1970 йилнинг тўрт ойида қилинган ишларгина эмас, балки беш йилликнинг ўтган тўрт йили мобайнида қўлга киритилган ютуқлар ҳам таҳлил этилди.

Меҳнат якунлари кишини қувонтиради. Давлат топшириқлари муддатидан илгари адо этилиб, беш йиллик жамғармасига тўрт миллион сўмдан ортиқ маблағ қўшилган.

Ана шу якунлардан келиб чиқиб, коллективимиз аъзолари зиммаларига янги оширилган мажбурият олдилар. **Комбинатимиз ишчи-хизматчилари беш йиллик топшириқларини шу йилнинг 15 октябригача бажариш, планга қўшимча равишда йигирма олти минг тонна ун ва озуқа-ем маҳсулотлари ишлаб чиқаришга аҳд қилдилар.** Шундай қилиб, корхона пландан ташқари 4.8 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарадиган бўлди. Корхона биргина маҳсулот таннархини камайтириш эвазига тўрт юз қирқ минг сўмни иқтисод қилиб қолади. **Пландан ташқари жамғарилган маблағ эса саккиз юз минг сўмни ташкил этади.**

Комбинатимизни янги барча ишчилари ва инженер-техник ходимлари В. И. Ленин номидаги металлургия заводи, «Қизил тонг» тикувчилик фирмаси, Чирчиқ электрохимия комбинати ва қийин эрийдиган ҳамда ўтга чидамли металлар комбинати коллективларининг беш йиллик топшириқларини ва 1970 йил планини муддатидан илгари бажариш юзасидан бошланган қимматли ватанпарварлик ташаббусини якдиллик билан маъқуллаб, ана шу ташаббус асосида меҳнат қилиш иштиёқида эканликларини изҳор қилдилар.

1970 йил планига келганимизда эса у ҳам муддатидан илгари — 22 декабргача адо этилади. Йиллик планга қўшимча равишда уч минг икки юз тонна ун ва озуқа-ем маҳсулотлари ишлаб чиқарилади, ҳамда реализация қилинади. Бу нарса камида пландан ташқари юз минг сўм фойда олиш имконини беради.

Бизда ташкилий-техникавий тадбирларни, янги техникани ишлаб чиқаришга жорий этиш, меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этишни янада мукаммаллаштиришга ҳам катта эътибор берилмоқда.

Бунда асосан меҳнат унумдорлигини оширш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини янада кўтариш бизнинг олдимизга асосий вазифа қилиб қўйилади. Ана шу мақсадда етти тонналик ҳажмдаги элеваторнинг биринчи навбатини ишга туширишга қарор қилинди.

Шунингдек, тайёр маҳсулотларни автотранспортларга автопогрузчиклар ёрдамида ортишнинг комплекс методини жорий этиш ҳам кўзда тутилган. Бундан ташқари, кўл меҳнатини камайтириб, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қаратилган яна бир қанча тадбирлар амалга оширилади. Бу тадбирларнинг ҳаммаси меҳнат унумдорлигини илгари кўзда тутилганига қараганда 3 процентга ошириш, олий сортларда маҳсулот тайёрлашни 2 процентга кўпайтириш имконини беради.

Коллектив аъзолари ўз комбинатларининг юксак маданиятли корхонага айланиши йўлида бутун куч-ғайратини сарфлайди. Меҳнат шароитини янада яхшилаш ва техника эстетикасини намунали ташкил этиш учун барча тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Комбинат территориясини янада ободонлаштиришга катта аҳамият берилмоқда. Ишчилар ўз кучлари билан фонтан қуришга ва корхона территориясини сўлим бир боғга айлантиришга қарор қилишди.

Ана шу тадбирларнинг ҳаммаси 1970 йил зиммага олинган социалистик мажбуриятларда ўз ифодасини топган.

Биз коллектив аъзоларининг меҳнат ва сиёсий активликларини янада оширишнинг энг самарадор омили бўлган коммунистик меҳнат ҳаракатини бундан буён ҳам кенг авж олдиришга асосий эътиборимизни қаратамиз.

Комбинатимизда 7 и кўпгина ишлаб чиқариш илғорлари ва ветеранларнинг кўксини «Шавкатли меҳнати учун» юбилей медали безаб турибди. Т. Гранаткина, Т. Андрионова, О. Абдужабборов, Ф. Муродов сингари ҳукуматимизнинг юксак мукофотига сазовор бўлган ишчилар беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун бошланган социалистик мусобақанинг олдинги сафида бормоқдалар. Уларнинг меҳнатда кўрсатаётган жасорати комбинатнинг ўнлаб, юзлаб ишчиларига намуна бўлмоқда.

Шу кунларда, комбинатимизда социалистик мусобақа янада кенг қулоч ёйди. Ишчиларимиз беш йиллик халқ хўжалиги топшириқларини муваффақиятли бажариш учун бир ғайратга ўн ғайрат қўшиб меҳнат қилмоқдалар.

П. ТУРСУНХЎЖАЕВ,
1-ун комбинатининг директори.



ҒАЙРАТ БИЛАН

Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти музика факультетидаги агитпунктда СССР Олий Советига бўладиган сайловларга намунали ҳозирлик кўрилмоқда.

Агитпункт мудири Жалол Усмонов сайлов олдидан қилинаётган ишлар ҳақида шундай ҳикоя қилиб берди:

— Агитпунктимиз 3-г а олтмишдан ортиқ агитаторлар уюшган. Улар Глинка, Високая, Дачная, Пограничная, Охунбобоев, Б. Хмельницкий кўчаларидаги хонадонларда бўлиб, совет сайлов системасининг афзаллиги ҳақида суҳбат ўтказишди. Айниқса, «Сайловдан-сайловгача», «СССР Конституциясида миллатлар тақдири», «Бирлик —дўстликда» каби қатор темаларда ўтказилган суҳбатлар сайловчиларга манзур бўлди. Суҳбатларни профессорлардан З. Нуриддинов, Ш. Абдуллаев, доцентлардан Р. Коржигитов, К. Юсупов, С. Зиёевлар олиб боришди.

Яқинда бу ерда ёш сайловчилар билан учрашув кечаси ўтказилди.

Ҳозирги кунларда 45 агитаторнинг ҳар бири ўзларига бириктирилган кўчаларда яшовчи сайловчилар ўртасида агитация ва пропаганда ишларини ҳар қачонгидан қизитиб юборганлар.

Агитаторлар сайловчилар учун лекция, суҳбатлар, қизиқарли кечалар ўтказиб туришибди. Яқинда 250 сайловчи иштирок этган катта концерт уюштирилди.

Сайлов олди тайёргарлик ишларини яхши йўлга қўйиш, бу сиёсий компанияни уюшқоқлик билан кутиб олиш учун 56-мактабнинг эълонидан ортиқ ўқитувчиси жон куйдириб ҳаракат қилдилар. Шунингдек, 7-Мостострой трестининг қурувчи агитаторлари ҳам сайловчилар рўйхатини олиш, уларни қайта текшириш ишларида актив иштирок этишди. Бу соҳада қурувчи-агитаторлардан С. Брильц, Красноусов, А. Огибалов, агитпункт мудири Н. Платов, участка сайлов комиссиясининг раиси В. Ворошцов, 56-мактаб ўқитувчиларидан Э. Коэн, К. Пўлатова, Х. Содиковларнинг муносиб ҳиссаси бўлди.

Ҳозирги вақтда агитатор - тарғиботчилар СССР Олий Совети депутатлигига кўрсатилган номзодларнинг таржимаи ҳоллари тўғрисида тушунтириш ишлари олиб боряптилар.

Қизиқарли, таъсирчан



Шаҳримизнинг Киров районидаги 5-стоматология поликлиникаси қошида ташкил этилган 22-сайлов участкаси агитпунктида СССР Олий Советига бўладиган сайловлар юзасидан кенг кўламда тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Сайловчилар рўйхати кўринарли ерга осиб қўйилган. Агитаторлар эса сайловчилар билан номзодлар ҳақида суҳбатлар олиб боряптилар.
СУРАТДА: ана шу сайлов участкаси қошидаги агитпунктда.

Суҳбатлар, йиғилишлар

130|137 сайлов участкасининг агитпункти Ҳамза районидаги Абдулла Авлоний номли 156-мактабга жойлашган. Бу ерда СССР Олий Советига бўладиган сайловлар олдидан қизғин ишлар олиб борилмоқда. Агитаторлар рўйхати ва уларнинг сайловчилар билан қиладиган ишларини кўрсатувчи план-тадбирлар кўринарли жойга осиб қўйилган.

Ҳозирги кунларда 45 йигитда агитатор Маъруфа Максудова «Совет сайлов системаси —дунёда энг демократик сайлов системасидир» деган мавзуда лекция ўқиди. У сайловчиларнинг кўпгина саволларига батафсил жавоб берди.

Сайловчиларнинг маҳаллий советларга сайланган депутатлар билан бўлган учрашувлари ҳам қизиқарли ўтди. Йиғилишда Ҳамза район Советининг депутати, 3-поликлиника врачи Алижон Мамаев район меҳнаткашларининг турмуши ҳақида батафсил гапириб берди.

Сайловчилар агитпункт тарғиботчиларидан Эътибор Муҳаммадхонова, Ҳадича Турсунова. Баҳодир Аҳмедов, Анна Короткевичларнинг ишларидан мамнун бўлмоқдалар.

С. ҚЎЧҚОРОВ.

ГУЛЛАР ЧАМАНИ

Шу кунларда пойтахтдаги манзарали боғдорчилик совхози боғбонларининг юмушлари кўпайиб кетди. Хўжалик гулзорларида чаман бўлиб очилган баҳор гулларини узиш ишлари қизғин борапти. Олтмиш гектарлик майдон тенги йўқ чаманзорни эслатади.

Атиргулларнинг ўзи ярим миллион, бошқа гуллар эса бир юз саксон минг тупдан иборат.

Шу йилнинг ўзида совхоз коллективи ҳамшаҳарларимизга тўрт миллион дона гул етказиб бермоқчи.

ҚИММАТЛИ КОЛЛЕКЦИЯ БУГУН

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фонди яна бир ноёб ҳужжат билан бойиди.

Ўтган асрларда ёзилган турли авторларнинг қаламига мансуб араб, эрон ва ўзбек тилларида битилган тарихий ҳужжатлар коллекциясини институтга Марғилондаги Фрунзе маҳалласи жамоатчилиги тортиқ қилди. 27 та қўл ёзмадан иборат бу коллекциянинг учтаси ҳали илмий жамоатчиликка маълум бўлмаган авторларнинг асарларидир.

* САНЪАТ ОЛАМИДА

Саҳна ошиқлари

МУХБИРИМИЗ ТЎҚИМАЧИЛАР МАДАНИЯТ САРОЙИДА БЎЛИБ, ХАЛҚ ТАЛАНТЛАРИНИНГ ИЖОДИЙ ИШЛАРИ БИЛАН ТАНИШДИ. МАДАНИЯТ САРОЙИ ДИРЕКТОРИ ЮЛИЯ ПАВЛОВНА СУПОНИЦКАЯ ҚУЙИДАГИЛАРНИ АЙТДИ:

— Ҳозирги кунда Сарайимизда ўн иккита ижодий коллектив ишлаб турибди. Машғулотларга мингдан зиёд халқ талантлари қатнашиб, санъат сирларини ўрганяптилар.

Санъат ихлосмандларига малакали педагоглар, таниқли артистлар мураббийлик қилишяпти. Ўзбекистон ССР халқ артисти И. Оқилов раҳбарлик қилаётган ўзбек ашула ва рақс ансамбли «Пахта байрами», «Халқлар дўстлиги» хореографик сюиталарини тайёрлаб, Фарғона ва Бухоро рақсларини саҳналаштирди.

Турли тўгараклар, студиялар ва халқ театрларида иштирок этаётганларнинг кўпчилигини тўқимачилик комбинатининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва студентлар ташкил этади. Улар ишдан сўнг санъат сарайимизга келадилар. Ҳаваскорларимиз орасида санъатдаги маҳоратини ошириб, юксак ютуқларга эришаётганлар кўп. Жумладан ашула ва рақс ансамбли коллективи Бутуниттифоқ бадиий ҳаваскорлик кўригининг лауреати, Бутуниттифоқ халқ ҳўжалиги ютуқлари кўргазмасининг қатнашчисидир.

Ансамбль шуҳрати Иттифоқимиздан ташқарида ҳам машҳур. Талантли коллектив Польша, Норвегия, Болгария, Германия Демократик Республикасида бўлиб, ўзбек санъатининг шуҳратини оламга таратди. Ансамблнинг қатнашчиларидан электромонтёр Эркин Абдурахмонов, тўқувчи Насиа Олимова, шофёр Тўлқинжон Мўминов, тўқувчи Раъно Ғалимжоноваларнинг жозибали рақслари профессионал артистлар ижросидан қолишмайди.

Шу кунларда бадиий ҳаваскорларимиз ишчилар учун катта программаларда концертлар кўрсатяптилар, ўз маҳоратларини оширяптилар.

ЯКУНЛОВЧИ КОНЦЕРТ

Кеча

ГОРЬКИЙ НОМЛИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИ РЕСПУБЛИКА МАДАНИЯТ УЙИНИНГ ТАШАББУСИ БИЛАН ДОҲИЙМИЗ В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУНИНИНГ 100 ЙИЛЛИК ЮБИЛЕЙИГА БАҒИШЛАБ «МЕҲНАТ, МАДАНИЯТ ВА СПОРТ» ШИОРИ ОСТИДА ЎТГАН ФЕСТИВАЛНИНГ ЯКУНЛОВЧИ КОНЦЕРТИ БЎЛДИ. Концертда ҳунар-техника билим юртлари ҳавазкорлик коллективларининг энг яхши ашула ва рақсларни ижро этишди.

Бугда билим юртлари ўқувчилари яратган турли хил техника асбоблари ва буюмларни кўргазмаси ҳам ташкил қилинди.



Республика Фанлар академияси қошидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли ўсимлик моддалари кимёси институтида янги шифобахш алкалоидлар яратиш устида кўпгина илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.
СУРАТДА: тажриба технологияси лабораториясининг илмий ходимларидан Қобил Аҳмаджонов билан Лутфулла Авазмуҳамедов ўртоқлар алкалоидлар ажратиётган приборлар ишини кузатиш жараёнида.
М. Нуриддинов фотолари.

* *Янгиликлар—ишлаб чиқаришга*

ЯХШИ САМАРА

Дўппини бичишдан тортиб, то бостиришгача бўлган жараён қўлда бажарилар эди. Эндиликда эса, гул тикиш, тепчиш каби ишларнинг ҳаммасини механизация бажармоқда. Рационализатор ва ихтирочиларнинг фойдали таклифлари туфайли қўл меҳнати тобора енгиллашмоқда.

Бадиий буюмлар фабрикасининг бош механиги Эркин Сулаймонов билан механик Павел Шеров яқинда ўзига хос ихтиро яратдилар. Улар 22-классли тикув машинасидаги тепки ўрнига махсус тиғ ўрнатдилар. Бунинг хизмати катта бўляпти. Дўппи қизакка ўтказилгач, унинг атрофидаги ортиқча чиқиндилар қайчи билан қўлда қирқилар эди. Эндиликда ана шу тиғда сменада бир мингга етказиб дўппи тикиланмоқда.

Бу янгилик йилига икки минг сўм тежаш ва икки кишидан бошқа ишларда фойдаланиш имконини беради.

БУГУНГИ ЯНГИЛИКЛАР

САЁҲАТ ЧОРЛАЙДИ

Шаҳар саёҳат ва экскурсиялар Бюросида республика, Иттифоқ ва чет эллар бўйлаб ўтказиладиган саёҳат ва экскурсияларнинг ёзги мавсуми бошланди. Бюро адресига ҳамшаҳарларимиздан саёҳат ва экскурсияларга бориш ҳақида истак билдирган таклифлар тушмоқда.

БУГУН

«ТОШКЕНТ —БУХОРО — САМАРҚАНД —ТОШКЕНТ» МАРШРУТИ БЎЙЛАБ БИРИНЧИ ТУРИСТИК ПОЕЗД ЙЎЛГА ЧИҚДИ.

Саёҳатчилар бир ҳафта давомида томоша қилиб, дам олиб қайтадилар. Шунингдек, шу куни туристик самолёт Одессага учди. Туристлар 15 кун давомида қаҳрамон шаҳарни томоша қилишади. Бундан ташқари бюро яқинда республикамиз ва қўшни республикалар бўйлаб туристик автобусда иккита маршрут ташкил қилади.

ДАМ ОЛИШ ВА МЕҲНАТ ҒОЛИБЛАРИ

Куни-кеча республика олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг дам олиш ва меҳнатни ташкил қилишда энг яхши кўрсаткичга эришган коллективлари ўртасидаги конкурс якунланди.

Конкурсни Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги ва маориф, олий мактаблар ҳамда илмий муассасалар ходимлари касаба союзи республика комитети ҳамкорликда ўтказди. Пилда бир марта ўтказиладиган конкурсда 20дан ортиқ олий ва 50га яқин ўрта махсус ўқув юртлари қатнашди.

Улуғбек номидаги Фарғона педагогика ва Самарқанд архитектура-қурилиш институтлари ҳамда Қўқон педагогика техникуми конкурс голиби деган шарафли номни олди. Бу коллективларга кўчма Қизил байроқ ва пул мукофотлари берилди.

ДЎСТЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ БЕЛГИСИ ОСТИДА

БЕРЛИН. Германия Демократик Республикасида традицион Герман-Совет дўстини ҳафтаси СССР билан ГДР ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш белгиси остида ўтди. Берлин, Дрезден, Лейпциг, Галле ва республиканинг бошқа шаҳарларида шу ҳафта муносабати билан совет активлари иштирокида байрам концертлари ташкил этилди.

Германия Демократик Республикаси билан дўстлик Совет жамиятининг СССР химия саноати министри В. А. Костандов бошчилигидаги делегацияси аъзолари билан Германия Демократик Республикаси даги Вилгельм-Пик штадт шаҳридаги химия корхоналари меҳнаткашлари ўртасида самимий учрашувлар бўлиб ўтди.

МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ XII ЧАҚИРИҚ V СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА БИЛДИРИШ

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети депутатларга маълум қиладики, Тошкент шаҳар Советининг XII Чақириқ V сессияси 1970 йил 26 май эрталаб соат 10 да республика «Билим уйи» биноси (Киров кўчаси, 24 уй)да чақирилади.

Сессия кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:

1. Тошкент шаҳрида уй-жой фондидан фойдаланишнинг аҳволи ва ундан фойдаланишни яхшилаш чоралари ҳақида.

Докладчи — Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ **Т. К. Абдуллаев.**

2. Шаҳар Совети маданият ва санъат доимий комиссиясининг иши тўғрисида.

Докладчи — шаҳар Советининг маданият ва санъат бўйича доимий комиссияси раиси ўртоқ **А. А. Одилов.**

3. Тошкент шаҳар Совети III сессиясининг «Тошкент шаҳрида ободонлаштириш, санитария ва жамоат тартибини сақлаш қоидалари ҳақида» қабул қилган қарорининг бажарилиши тўғрисида.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари **С. Б. Норқўзиев** ахборот.

Депутатлар ўша ерда 1970 йил 26 май эрталаб соат 9 дан рўйхатга олинади.

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети.

* *Олимлар—қишлоққа*

БЕБАҲО ХАЗИНА

ШУ КУНЛАРДА РЕСПУБЛИКАМИЗ ХЎЖАЛИКЛАРИДА ИПАК ҚУРТЛАРИ БОҚИЛМОҚДА. ЎРТА ОСИЁ ИПАКЧИЛИК ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИНИНГ 9 БЎЛИМИ ВА 16 ЛАБОРАТОРИЯСИДА ТАДҚИҚОТЛАР ОЛИБ БОРИЛМОҚДА.

Институт олимлари пиллачиликни янада ривожлантириш билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал қилмоқдалар.

Институтнинг тутчилик бўлимида тут агротехникасини такомиллаштириш, янги навларни етиштириш борасида тажрибалар ўтказиляпти. Тутнинг «Бедана», «Октябрь», «Пионер» каби сербарг навлари етиштирилиб, хўжаликларга тарқатилди.

Ипак қурти агрозоотехникасини ўрганувчи олимларимиз чидамли, арзон, саноат чиқиндиларидан тайёрланадиган дастлар яратдилар. Бу йилги қурт боқиш даврида улар синаб кўрилади.

Институтда ихтиро қилинган енгил типдаги полиэтилин пленкасидан ясалган кўчма қуртхоналар алоҳида аҳамиятга эга. Бундай қуртхоналарни колхозчилар томорқасида ўрнатиш мумкин. Ҳар бир қуртхона 1,5 ва уч қути қурт учун мўлжалланган бўлиб, мавжуд қуртхоналардан ўн марта арзондир.

Республикамиз бу йил она-Ватанга 18500 тонна пилла етказиб бериши керак. Бу улкан вазифани бажаришда институт коллективининг ҳам ҳиссаси бор.

У. Насириллаев,
Ўрта Осиё ипакчилик илмий-текшириш институтининг илмий ишлар бўйича директор ўринбосари.

Дунё хабарлари

БОЛГАРИЯДА ЭНГ КАТТА

СОФИЯ. Провадия шаҳри яқинида 3 минг 900 метр чуқурликда энг катта туз кони топилди. Шу кон негизида Болқон ярим оролида энг катта химия саноати комплекси барпо қилинади.



ЧЕХОСЛОВАКИЯ. Остравадаги К. Готвальд номли Витковиц металлургия комбинатида республика ишлаб чиқараётган пўлатнинг бешдан бир қисми эритилади.
СУРАТДА: ишчилар ва инженерлар янги пўлат эритиш печларининг ишини кузатишмоқда.
ЧТК—ТАСС фотоси.

ИЛЬИЧ НОМЛИ ЗАВОД — 50 ЁШДА

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Машинасозлик давлат лойиҳалаш конструкция технология бюросига қарашли Ильич номли тажриба-механика заводини Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлаш тўғрисида

Республика саноатини ривожлантириш, республика қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналари учун малакали кадрлар тайёрлаш ва тарбиялаш ҳамда уларни механизация воситалари билан таъминлашдаги хизматлари учун ва ташкил этилганига 50 йил тўлиши муносабати билан машинасозлик давлат лойиҳалаш конструкция технология бюросига қарашли Ильич номли тажриба-механика заводи Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Е. НАСРИДДИНОВА.

Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Р. САХИБОЕВ.

1970 йил 15 май, Тошкент шаҳри.

Тошкентдаги Ильич номли тажриба-механика заводининг коллективи ўз корхонасининг 50 йиллик юбилейини нишонлади.

Бу завод Совет Шарқида ташкил этилган биринчи машинасозлик корхонаси эди. У 1920 йилнинг май ойида ташкил этилган эди.

Корхонанинг урушдан аввалги тарихи Ўрта Осиё республикаларини, жумладан Ўзбекистон республикасини индустриаллаштириш тарихи билан бевосита боғлиқдир.

Жумладан, дастлабки икки беш йиллик даврида Ўрта Осиёда бир неча юзлаб саноат корхонаси ишга туширилди. Бу корхоналарга жиҳозлар Россиядан келтирилар, улар эса Ильич номидаги Туркистон заводида монтаж қилинар эди. У дастлабки кезданоқ тажриба-механика заводи деб ном олган эди.

Заводнинг энг кекса ишчиларидан қуюв цехининг ишчиси А. Султонов, кранчи Е. Андрестюк, токарь В. Извеков, Қ. Тўлаганов, С. Меркушин сингари меҳнат ветеранлари ҳамон ишлаб чиқариш қучоғидадирлар.

Гражданлар уруши даврида Николай Моисеев Туркистонда Совет ҳокимиятини ҳимоя қилишда фаоллик кўрсатди.

Николай Васильевич ўзининг бутун ҳаётини завод фаолияти билан боғлаган. Унинг кўз ўнгида корхона ўсди-улғайди, у янги-янги техника жиҳозлари билан қуролланди. Мана эндиликда унинг цехларида агрегат ва станоклар, поток линиялар тайёрланмоқда.

Заводнинг механика цехида янги-янги машиналар яратилади. Корхонанинг рационализаторлик ва ихтирочилик бюросига эса янги-янги таклифлар тушади. Ўтган йили ана шундай таклифлардан саксон тўрттаси қараб чиқилиб, ундан етмиш саккизтаси фойдаланилди. Шу йилнинг биринчи кварталида эса ишлаб чиқаришга саккизта ихтирочилик таклифи жорий этилди. Ана шу қимматли таклифлар уч минг сўмдан ортиқ самара беради.

Заводда Николай Новохатский номини ҳурмат билан тилга олишади. У заводнинг энг яхши ихтирочисидир. Слесарь Новохатский ўнта ихтирочилик таклифни ишлаб чиқаришга жорий этди. Бундан икки ярим миллион сўмдан ортиқ маблағ тежаб қолинди. Корхона ишчилари Н. Краев, Қ. Абдуллаев, С. Меркушинларнинг ҳам номларини ҳурмат билан тилга олишади. Улар ўзларининг ҳалол меҳнатлари билан корхона шуҳратига-шуҳрат қўшмоқдалар.

Завод ишчиларининг самарали меҳнатлари партия ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланиб келинмоқда. В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллиги арафасида ишлаб чиқариш илғорларидан эллик кишига «Шавкатли меҳнати учун» юбилей медали топширилди.

Корхона бугунги кунда ўзининг ярим асрлик юбилейини нишонламоқда. Ярим асрдан бери у революция доҳийси номи билан аталиб келмоқда.

Завод ҳовлисига киришингиз биланоқ кўзингиз Ленининг бюстига тушади. Бу бюст юбилей кунларида ўрнатилди. Шу билан бир қаторда Ильич уй-музейи ҳам очилди. Ҳар бир ёш ишчи бу ерда завод коллективининг амалга оширган шонли ишларидан корхонанинг 50 йил ичида қўлга киритган зафарларидан огоҳ бўлади.

Ўз корхоналарининг шонли 50 йиллик юбилейини нишонлаётган завод ишчи-хизматчилари беш йиллик топшириқларини шараф билан бажариш, мамлакатимизда коммунизмнинг моддий техника базасини яратишга муносиб ҳисса қўшиш иштиёқидалар.



«Узхлопкомаш» заводи пахтани ғарамлайдиган транспортёрларни республикамизнинг турли бурчакларидаги пахта заводлари ва пунктларида учратиш мумкин.

СУРАТДА: заводнинг илғор йиғувчи-слесарларидан Осмон Исмоилов ва Сайфулла Раззоқовлар механизмларни кўздан кечиришмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

ТЕЛЕГРАММАЛАР... СТАНЦИЯСИ

Тошкент марказий телеграфида Ўзбекистонда биринчи бевосита алоқа қиладиган автомат станция вужудга келтирилган эди. Ана шу станцияни монтаж қилиш ишлари тамомланди.

Ҳозирги вақтда шаҳар алоқа бўлимларида аҳолидан қабул қилиб олинган телеграммаларнинг ҳаммаси марказий телеграфга юборилади. Бу янги станция телеграммаларни топшириш ва эгасига етказиб беришгача ўтадиган вақтни бир неча мартага қисқартириш, меҳнат шароитини яхшилаш имконини беради. (ЎзТАГ).

● ПОЙТАХТИМИЗ БУНЁДКОРЛАРИ

МЕХАНИЗАТОРЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

Иморат қурилиши учун у ёки бу ерда пойдеворга жой ҳозирлаш, котлован қазлаш керак. Ёки дўнгликларни текислаш, тупроқни чуқур-бўёққа суриш талаб қилинади. Шаҳримизнинг улкан қурилиш майдонларида бундай ишларни бажариш «Главташкентстрой»га қарашли «Строймеханизация» трести зиммасига юкланган. Мазкур трестга қарашли механизация бошқармалари коллективлари пойтахтимиз қурилишларида жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

Бу трест учун ажратилган капитал маблағ айниқса сўнгги тўрт йил ичида ошиб бормоқда. Давлат плани эса мунтазам бажарилмоқда. Мана 1970 йилнинг биринчи квартал кўрсаткичлари билан танишайлик. Меҳнатни илмий асосда ташкил этишга алоҳида эътибор бераётган трест коллективи белгиланган капитал қурилиш ишлари планини ортиғи билан бажарди. Аъзамат механизаторларнинг кучи билан пландан ташқари тўрт юз саксон минг сўмлик иш адо этилди.

Трест ва унинг бошқармалари қурилиш машиналари ва механизмлардан фойдаланиш планини ҳам ортиғи билан дўндиришди.

Механизация бошқармаларининг ҳаммаси таннархни бир мунча арзонлаштириш ва меҳнат унумдорлигини оширишга эришди. Жумладан, 7, 4 ва 10-механизация бошқармалари коллективлари шу йилнинг биринчи квартали планини муддатидан бир неча кун илгари бажарганликлари ҳақида рапорт беришди. Ўтган йили кўпгина кўрсаткичлар бўйича планни бажара олмай, орқада қолган 8-механизация бошқармаси аҳлининг бу йил биринчи квартални муваффақиятли якунлагани қувонарли ҳол бўлди.

Ер ўйиш механизмлари билан биринчи кварталда етти миллион кубометр тупроқ ишлари бажарилди. Транспорт ёрдамида олинган мажбуриятдан ташқари тўрт юз минг кубометр тупроқ ишлари адо этилди. Апрель ойи кўрсаткичлари бундан ҳам яхши бўлди.

Биринчи квартална асосий қурилиш механизмлари директив нормалари ҳам ортиғи билан бажарилди.

Мавжуд саккиз механизация бошқармаларидаги олтмиш экипажли йигирма икки участка коллективи беш йиллик зарбдори унвонини олиш учун курашмоқда. Йигирма уч бригадага бирлашган етти юз олтмиш тўрт киши шу номни олиш учун индивидуал тарзда ҳаракат қилмоқда. Меҳнатнинг илғор методларини жорий этиш бригадалари тузиляпти.

Қатор тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида бажарилаётган ишлар сифати яхшиланди. Меҳнат самарадорлиги кўзда тутилгандагига нисбатан 3.4 процент ошди.

Ишда алоҳида ўрнак кўрсатган коллектив ва кишиларга «Ленинча беш йиллик зарбдори» унвони берилди. Ер ишларини олиб борувчи махсус участка бу унвонни биринчилар қаторида олди. Трест бошқармаларида чинакам фидокорлик намуналарини кўрсатаётган ишчи, хизматчи ва инженер-техник ходимлардан уч юз қирқ олти киши В. И. Ленининг шонли юз йиллик байрами арафасида «Шавкатли меҳнати учун» юбилей медали билан мукофотланди.

Қурилиш объектларида бинокорларга мададкор бўлаётган 1-механизация бошқармасининг экскаватор машинисти Шарифжон Зоидов, 2-бошқарма монтажчиси Александр Сукачев, минорали кран машинисти Газинур Кудузова, 7-бошқарма экскаваторчиси Адҳам Бўронов, 8-бошқарма электрчиси Валентин Гетман каби ўртоқлар иш сифатини яхшилаш ва суръатини оширишда ҳамкасбларига ўрнак бўлишмоқда. Айни вақтда улар вақтдан унумли фойдаланган ҳолда ёнилғи, турли материалларни тежаб ишлатишга муваффақ бўлишяпти.

Йиллик маррани муддатидан олдин эгаллашга иштиёқида меҳнат қилаётган «Строймеханизация» трести шоввозлари мусобақа байроғини тобора баландроқ кўтариб, улкан ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Улар юбилей йили топшириқларини бекамикўст бажаришлари турган гап.

М. ТУРОБОВ.



Тўқимачилик комбинатининг улкан цехлари замонавий ускуналар билан узлуксиз жиҳозланиб борилмоқда. Ушбу суратда иккинчи йигирув фабрикасининг механизациялаштан участкаларидан бири тасвирланган.

2-бет. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ПЛАНЕТАМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

ХАВФСИЗЛИК ВА СУВЕРЕНИТЕТ ГАРАНТИЯСИ, СОЦИАЛИЗМ ГАРАНТИЯСИ

ПРАГА. Шу кунларда социалистик Чехословакиядаги саноат корхоналари, шахталар ва қурилишларнинг коллективларидан қишлоқ хўжалик меҳнаткашларидан, ўқуз юртларни ва бошқа ташкилотларнинг коллективларидан Чехословакия Компартияси Марказий Комитетига келаётган юзлаб резолюциялар, хатлар ва телеграммаларда меҳнаткашлар Совет Иттифоқи билан ЧССР ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида яқинда имзоланган шартноманы қизғин маъқуллаб ҳамдиллик билан қувватламоқдалар.

«Руде право», «Праце», «Млада Фронта» газеталари шу резолюциялар, хатлар ва телеграммаларнинг мазмунини баён қилиб, Чехословакия меҳнаткашлари шу тарихий ҳужжат билан таништириб чиққанликларини ва уни амалга оширишга маҳкам бел боғлаганликларини қайд қилмоқдалар.

Эминцадаги «Моторпал» механика заводининг меҳнаткашлари қабул қилган резолюцияда, янги шартнома Чехословакиянинг социалистик йўлдан янада ривожланиб бориши учун мустаҳкам негиз эканлиги таъкидланади.

— Гавиржов меҳнаткашлари, — биз Совет Иттифоқи билан дўстликни асло бузмаймиз, — деб ёзмоқдалар. — Янги шартнома СССРнинг Чехословакия халқларига қардошлик ёрдами бегараз ёрдам эканлигини таъкидлайди. Биз бу шартноманы тўла равишда астойдил маъқуллаймиз ва қувватлаймиз, — деб ёзади Гавиржов меҳнаткашлари.

Чехия статистика бошқармаси ходимларининг мактубида, биз янги шартнома озод ва бахтиёр ҳаётимизнинг гарантияси деб, социалистик жамиятимизнинг муваффақиятли ривожланишини таъминловчи гарантия деб биламиз, дейилади.

Шартномани қўллаб-қувватлаётганлигимизни ишлаб чиқаришдаги янги муваффақиятлар билан ифодаламоқчимиз, чунки социализмнинг ривожланиши ҳар биримиздан актив ҳаракат қилишни талаб этади, дейилади Соколов бинокорларининг Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетига юборган хатида. Шу сабабли биз, дейилади хатда, йиллик ишлаб чиқариш планимизни анча ошириб бажаришга қаратилган мажбурият қабул қилдик. (ТАСС).

МАҚСАД — ИҚТИСОДИЙ МУСТАҚИЛЛИК

КАМПАЛА. Угандада чиқадиган «Пипл» газетаси Осиё ва Африка мустақил мамлакатларидаги экономиканинг асосий тармоқларини давлат ихтиёрига олишга чақиради. Африка ва Осиё мамлакатларида экономиканинг асосий тармоқларини давлат ихтиёрига олиш шу мамлакатлар ривожида янги босқични бошлаб беради, деб таъкидлайди газета. Сиёсий мустақиллик шу давлатларнинг ташкил топиши ва ривожланиш йўлидаги биринчи қадам бўлди. Эндиликда уларнинг олдида ҳар қандай қилиб бўлмасин иқтисодий мустақилликка эришиш вазифаси турибди.

Сомали, Ҳиндистон, Танзания ва Замбияда экономика устидан давлат контроли ўрнатиш юзасидан кўрилган чораларни «Пипл» газетаси табриклайди. Газетанинг ёзишича, Угандада ўтказилаётган иқтисодий тадбирлар мамлакат экономикасини мустамлака зулми, феодализм тугатилганлиги ҳамда миллий бирлик мустаҳкамланганлиги натижасида сиёсий шароитлар ўзгарганлигига мувофиқ ҳолга келтиришга қаратилган.

Газета реакцион кучларнинг қўпорувчилик ҳаракатларига нисбатан Африка халқларини ҳушёр бўлиб туришга даъват қилади. (ТАСС).



БЕРЛИН. Карл-Маркс-Аллеядаги «Берлина» меҳмонхонаси. «Интернационал» кинотеатри ва «Москва» ресторани.

ЦБ-АПН фотоси.

РИЕКА МАВСУМИ

БЕЛГРАД (АПН мухбири) Югослав Адриатикининг гўзаллиги ҳаммани мафтун этади. Лекин мен борганимда омадим келишмади. Бирдан совуқ тушиб қолди. Денгиз устини булутлар қоплаб, қуёш онда сонда кўринадиган кунлар келди. Мен туристик мавсумда бу ерлар қанчалик гўзал бўлиб кетишини ҳаёлан тасаввур қилдим. Риека ёз ойлари айниқса чиройли бўлса керак. Шаҳар ҳаёти билан яқиндан танишганимдан кейин бу ерда бошқа, тўхтамас мавсум — меҳнат ҳукмронлиги барқарор эканлигини тушундим.

Рейдга кўп кемалар чиққан эди. Булар ГДРда ишланган «Кондор», «Сокол», «Сосногорск» шунингдек ўзимизнинг «Новий Сад» кемалари эди. Совет кемалари бу ерга ёғоч олиб келади ҳамда Югославиянинг боксидларини ортишади. Қизил Байроқ остидаги танкерлар республикамиз учун айниқса зарур бўлган нефть олиб келадилар. Шунинг учун бўлса керак порт яқинида жойлашган нефтни қайта ишлаш заводида меҳнат мавсуми бир зум ҳам тўхтамайди.

Мен 1945 йил учинчи май куни шаҳарнинг озодликка чиққанлиги шарафига «Учинчи Май» деган ном билан аталувчи кемасозлик заводида бўлдим. Бу ерда турли мамлакатлар учун кемалар қурилади. Совет заказлари ҳам бажарилади. СССР Риеканинг доимий харидори бўлиб қолди. Бизнинг заказларимиз узоқ муддатларга бериладиган. Бир хилдаги кемалар кўплаб чиқарилади. 1962 йилдан 1966 йилгача бу ердан Совет Иттифоқи учун етти танкер ишлаб чиқарилди.

Беш йил илгари янги Совет — Югослав контрактига имзо чекилган эди. Риека кемасозлик заводи ўнларча кема қуришга киришган эди. Ҳозир улар денгизда сузиб юрибди.

✦✦✦

1976 ЙИЛГИ ҚИШКИ ОЛИМПИАДА ДЕНВЕР ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛАДИ.

АМСТЕРДАМ. Халқаро олимпиада комитетининг 69-сессияси 1976 йилги қишки олимпиада ўйинларини Америка Қўшма Штатларининг Колорадо штатидаги Денвер шаҳрида ўтказишга қарор қилди. (ТАСС).

ШАРМАНДАСИ ЧИҚҚАН СИЁСАТ

ЗАШИНГТОН. Қўшма Штатларнинг энг катта касаба союз бирлашмаси — Америка меҳнат Федерацияси — ишлаб чиқариш касаба союзлари конгресси ҳукуматнинг иқтисодий сиёсати кенг омманинг моддий аҳволини анча ёмонлаштириб юборганлигини кўрсатиб, бу сиёсатни қаттиқ танқид қилди. Америка меҳнат Федерацияси — ишлаб чиқариш касаба союзлари конгресси ижроия комитетининг бу масалага доир баёноти президент Никсонга топширилди. Президент Никсон АҚШнинг Камбоджада қилган интервенцияси қарорларини тушунтирмоқ учун шу касаба союз бирлашмасининг мажлисига келган эди.

Инфляцияга қарши кураш борасида ҳукуматнинг кўрган чоралари ҳеч бир натижа бермади, дейилади баёнотда. Мамлакатда нарх-наво тўхтовсиз ошиб бормоқда, ишсизлар сони апрель ойида тўрт миллион кишига етди, яъни мамлакатдаги жамики меҳнаткашларнинг 4.8 процентини ташкил қилди.

Америка меҳнат Федерацияси—ишлаб чиқариш касаба союзлари конгресси, ҳукумат «америкаликлар н и н г турмуш даражасига катта зарар етказган ва шармандаси чиққан ўзининг сиёсатидан воз кечсин» деб талаб қилди. Капиталнинг бир-бири билан қўшилиши тезлашиб кетганлиги ҳаммани ҳаяжонга солмоқда, дейилади баёнотда.

Америка меҳнат Федерацияси — ишлаб чиқариш касаба союзлари комитети, медицина хизмати кўрсатиш, уй-жой, страхование учун олинадиган ҳақ ошиб бораётганлигини чеклаш чораларини ҳукумат албатта кўриши керак, деб таъкидлади.

(ТАСС).

НАЦИСТ ЖАЛЛОД ҚОРА КУРСИДА

БОНН. Ашаддий нацист жаллод Франц Штангль иши юзасидан Дюссельдорфда суд мажлиси бошланди. У иккинчи жаҳон уруши йилларида Собибур ва Треблинкадаги ажал қамоқ лагерларининг коменданти бўлган эди. Мана шу ерларда унинг бевосита раҳбарлиги остида нацист жаллодлар Европадаги турли мамлакатларнинг вақтинча босиб олинган территорияларидан ҳайдаб келтирилган жами сал кам 950 минг маҳбусни ғоятда ваҳшийлик билан ўлдирган эдилар.

Гитлерчилар фашизми тор-мор этилганидан сўнг нацист жаллод қасосдан яшириниб Бразилияга қочиб кетган эди. (ТАСС).

ЯНГИ ТИПДАГИ ПЛАСТМАССА ТОРМОЗЛАР

БУХАРЕСТ. (АПН мухбири). Руминия Социалистик Республикаси Фанлар академияси Тимишоара тадқиқот марказининг ходимлари янги типдаги тормоз колодкалари технологиясини ишлаб чиқдилар. Янги тормозлар темир йўл составлари, трамвайлар ҳамда трактор ва автомашиналар учун мўлжалланган. Улар пластмассадан ишланган. Пластмасса рецепти ҳам Тимишоарадаги худди шу тадқиқот марказида тайёрланган. Синов пайтида тормозлар одатдаги тормоз колодкаларидан уч марта бақувватроқ эканлиги ва ишқалишга чидамлилигини кўрсатди.

КАМБОДЖАДАГИ АҲВОЛ

НЬЮ-ЙОРК. ЮПИ агентлигининг хабар беришича, Меконг дарёсида ҳаракат қилаётган Америка-Сайгон ҳарбий флотилияси дарё оқими бўйлаб яна қарийб 80 километр юқорига кўтарилиб, 12 майда Камбоджанинг катталиги жиҳатидан иккинчи шаҳри Кампонгтямга келди. Шу фронтда, деб таъкидлайди агентлик, Америка ва Сайгон қўшинлари Камбоджа территориясининг жуда ичкарисига кириб борганлар.

Флотилиянинг юздан ошиқ канонерка ва бошқа кемалардан иборат бир қисми Пномпенда қолди. 11 май куни бу ерга десант туширилган эди.

Америка матбуотининг эълон қилган хабарларидан кўринишича, Вашингтон билан Сайгон ўртасида Камбоджа территориясида бундан буён қилинадиган ҳаракатлар хусусида пинҳоний шартнома бор.

Оқ уй Америка жамоатчилигини тинчлантирмоқчи ва норозиликлар тўлқинини бостирмоқчи бўлиб, АҚШ қўшинларини Камбоджадан олиб чиқиб кетишга аллақандай муҳлат белгиланган, деб турган бир пайтда Сайгонга Камбоджа территориясининг бир қисмини амалда бемуҳлат окупация қилиб туриш учун йўл очиб қўйилган. Газеталарнинг уқтиришича, Сайгон маъмурлари ўз қўшинлари (америкалик маслаҳатчилар бошчилигида) Камбоджада қанча зарур бўлса шунча қолаверадилар, деб ошкора айтмоқдалар. 13 майда «Нью-Йорк таймс» газетасининг ёзишича, АҚШ ва Сайгон маъмурларининг ҳарбий кемалари Камбоджанинг 160 километрдан зиёд узунликдаги денгиз соҳилини қамал қилиб турибди.

«Вашингтон пост» газетасининг мухбири уқтирадики, Америка қўмондонлиги Камбоджани қамал қилишда АҚШ ҳарбий денгиз флоти қатнашаётганлигини аллақандай...» «коллектив мудофаа ҳаракати» деб қўрсатишга уринмоқда. Мухбир мана шу беҳуда гапларни фош қилар экан. Вашингтондаги расмий доиралар «денгиз қамали» иборасини ишлатишдан ҳарчанд қочишга уринмоқдаларки, бу ибора «халқаро ҳуқуққа мувофиқ уруш ҳаракати билан баравардир». Ҳолбуки, деб ёзади мухбир, Америка кемаларининг Сиам қўлтиғидаги ҳаракатлари бетараф Камбоджа давлати денгизидан чинакам қамал қилинганлигидан иборатдир.

ПАРИЖ. Таниқли француз шарҳловчиси Ж. Табуи хоним «Парижур» газетасида Вашингтон «Ҳинди-Хитойда янги антикоммунистик пакт» тузишга уринаётганлиги ҳақида ёзади. Шарҳловчи Американи сиёсий доираларига асосланиб ёзадики, АҚШ миллий озодлик кучларига қарши биргаликда ҳаракат қилинишига эришмоқ учун шу янги гуруҳга Сайгон, Бангкок, Пномпень ва Вьентьянни кўшиш ниятидадир. «Лекин мана шу ҳокимиятларнинг барчаси АҚШ билан чамбарчас боғланганлигидан,— деб — давом қилади шарҳловчи,— Вашингтон бирон мамлакатда уруш ҳаракатларининг чинакам бошловчиси ва агрессор бўлиб кўринмаган ҳолда, ушбу пакт фаолиятини уйғунлаштириб тура олган ва унда қатнашувчи давлатларнинг биргаликда ўтказадиган операцияларини қўллаб-қувватлаб турган бўлур эди».

ПЕКИН. Америка ва Сайгон қўшинлари Камбоджанинг қишлоқлари, уездлари ва шаҳарларини ғул қилиб кўкка совурмоқда. Улар Свайриенг, Кампонгтям, Прейвенг ва бошқа вилоятларда уй-жойларни вайроқ қилмоқдалар, экинларни пайҳон қилмоқдалар, кекларни, хотин-қиз ва болаларни ўлдирмоқдалар,— дейилади Нородом Сианукнинг Камбоджа халқи ватанпарвар қуролли кучларига йўллаган мактубида.

«Ушбу қурбонларнинг бирдан-бир айби шуки, улар миллий мустақиллик, демократия ва бетарафликни жондилларидан севадилар, реакционячилар, катта капиталистлар ва Америка империализмининг манфаатларига хизмат қилишни истамайдилар»,— дейилади Синьхуа агентлиги тарқатган шу мактубда.

(ТАСС).

Гўзаллик шайдолари

ИНСОН ҳамиша гўзалликка интилади. Тош даврининг одамлари дараларга чизган расмлар минг йиллардан буён сақланиб қолган. Ўша пайтдаёқ инсон ўзининг табиат ҳақидаги, атрофдаги нарсалар тўғрисидаги хотираларини ва таассуротларини қайсидир йўл билан тасвир этишга уринган.



Ф. Пишкин. «Ленин ўзбек делегатлари ўртасида».

Асрлар ўтиши билан инсон заковати тараққий этди. Санъатнинг турли-туман жанрлари пайдо бўла бошлади. Халқимизнинг ганчкорлик, ўймакорлик, кулолчилик ва бошқа санъат турлари қадим замонлардан буён авлодлар қалбини завққа тўлдириб келмоқда.

Самарқанд ёки Бухорода, Хева ёки Қўқонда, умуман республикамизнинг ҳамма шаҳарларида ҳам шундай гўзал архитектура ёдгорликлари борки, бутун жаҳонни ҳайратда қолдиради.

Бухоро зардўзлари, Хиванинг ёғоч ўймакорлари, Риштоннинг кулоллари; Самарқанд ва Бухоронинг ганчкорлари миллий санъатнинг энг яхши дурдоналарини яратганлар.

Маълумки, санъатнинг ҳамма турида ҳам халқ ҳаётининг у ёки бу томони акс эттирилади. Жумладан, амалий санъатда ҳам кенг халқ оммасининг ҳаёти ўз аксини топади.

Улуғ Октябрь революцияси арафасида Ўзбекистоннинг миллий амалий санъати ғоят мушкул аҳволда қолган эди. Негаки, капитализм тараққий этиши билан фабрикаларда ишлаб чиқарила бошлаган турли хил арзон товарлар гўзал, аммо ишлаб чиқарилиши қийин бўлган ҳунармандчилик маҳсулотларига талабнинг камайишига олиб келди. Шундай қилиб кўпгина ҳунармандлар сина бошлади. Улуғ Октябрь инқилобигина халқ санъатини бундай мушкул аҳволдан халос қилди ва унинг тараққиёти учун янги уфқлар очди. Ўзбекистон маданий ҳаётининг барча турлари қатори халқ санъати ҳам кенг тараққий эта бошлади.

Ҳозирги пайтда халқ усталари ўтмишдаги устозлар ижодини ўрганиб, янгидан-янги асарлар яратмоқдалар. Яқинда Ўзбекистон халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида халқ усталари кўргазмаси очилганлиги ҳам шундан далолат беради.

1968 йилдан 1970 йилнинг май ойигача республика касаба союзлари Совети Ўзбекистон ССР маданият министрлиги ва Рассомлар союзи билан биргаликда халқ амалий санъат усталарининг доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланган конкурсини ўтказган эди. Бу давр мобайнида юздан ортиқ кўргазма очилди. Кўргазмаларни юз минглаб кишилар томоша қилишди. Бундай кўргазмаларда муваффақият қозонган асарлар ҳозир республика халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида намойиш қилинмоқда. Кўргазмага етти юздан ортиқ энг яхши асарлар қўйилган. Уларнинг барчаси ҳақида шундай бир умумий фикрни айтиш мумкин: амалий санъат усталари халқимизнинг анъанавий услубини сақлаб қолибгина қолмай, янада мукаммаллаштирмоқдалар.

Гиламчилар ва зардўзлар ҳам, ганчкорлар ва кулоллар ҳам бу соҳада самарали ижод қилишяпти.

ҚИЛДАН ГУЛ ЯСАГАНЛАР

Ҳозир кимнинг уйига кирманг, девордами, ердами чўғдек гиламга кўзингиз тушади. Оилалар ҳаётини гиламсиз тасаввур қилишнинг ўзи қийин. Бу аввало фаровонлик аломати бўлса, иккинчидан санъатга бўлган ташналикдир.



Тошкент керамикаси.

Кўргазмада намойиш қилинаётган гиламлар, полослар, хуржунлар халқ усталарининг сўнгги йилларда яратган энг яхши асарларидир. Самарқанд, Хива, Каттақўрғон, Фориш, Қорақалпоғистон АССР гиламчилари ўз санъатларини намойиш қилишган. Қўлда тўқилган гиламлар ўзининг техникавий сифати, ҳажмининг катталиги, шунингдек, орнамент безакларининг ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Уларда ўзбек миллий бадиий анъаналари ўз ифодасини топган.

Самарқанд областидаги «1-Галларорол» совхозининг хизматчиси Иззат Эргашева яратган гилам айниқса диққатга сазовордир. У туя қилидан чинакам санъат асари яратган. Гилам марказида саккиз бурчакли тумор шакли ўрин олган. Унинг атрофида эса шунга ўхшаш гуллар жойлашган.

Кўргазмада ўрин олган хуржунлар чинакам санъаткорона маҳорат билан яратилган. Самарқанд областидаги худди шу совхоз ишчиси Умрихон Ҳайдарова яратган хуржун гулларининг нафислиги, композициясининг мукаммаллиги билан ажралиб туради. Ҳайдарова ўз асарида мукаммал техника ва ранглар ўйинидан муваффақиятли фойдаланган.

Самарқанд область Ургут қишлоғида яшовчи Ғулом Пўлатова бунёд этган чиройли полос ҳам юксак техникавий маҳорати билан томошабинда чуқур таассурот қолдиради.

Сирдарё областининг гиламчилари Шарифа Сулаймонова, пенсионер Б. Довулбоева, студент Раҳима Маҳатаева ва бошқаларнинг ижоди ҳам диққатга сазовордир.

Ўрта Осиёнинг бошқа халқлари қатори бизнинг халқимиз ҳам гиламчилик санъатида ўз анъаналарига эга. Кўргазмада намойиш қилинаётган асарлар бу анъаналар давом этаётганлигини яна бир бор исботлайди.

ИПАКЛАРИ ТИЛЛОДАН

Каштачилик санъати республикамизда энг кенг тараққий этган жанрлардан бири. Дўппи, жияк, сўзана тикиш ҳаваскор каштачиларнинг қадимий машғулотидир. Ҳозир ҳам Ўзбекистонда каштачилик билан шуғулланмайдиган жойни топиш қийин. Кўргазмада намойиш қилинаётган Фарғона, Бухоро, Наманган, Андижон ва бошқа областлар каштачиларининг дўппи, сўзана, гулкўрпа, чойшаб ва бошқа асарлари кўзингизни қувонтиради.

Каштачиликнинг энг қадимий ва мураккаб турларидан бири зардўзлик кўп асрлардан буён авлоддан авлодга ўтиб келаётган касбдир. Бухородик ёш зардўзлар Муҳаббат Ҳасанова, Тамара Ғайбулина, Санда Жумаевалар яратган гулдузи, заминдузилар айниқса диққатга сазовор. Муяссар Темурова духобага тиккан зардўзинлар бенихтиёр кишининг қалбида эҳтиром туйғуларини уйғотади.

Бир вақтлар зар билан безатилган кийимларни фақат хондлар, беклар ва амирлар кийишар эди. Ҳозир улар бевосита аёллар кийимини безайдиган бўлиб қолди. Зардўз билан безатилган дўппи, нимча, ва кавушларни аёлларимизда кўришимиз мумкин.

Сўзана тикиш каштачилик санъатининг мукаммал техникасини талаб қилади. Сўзана хоҳ машинада, хоҳ қўлда тикилсин, унинг тематик планининг аниқлигига риоя қилиш зарур.

Кўргазмада ана шу санъат намуналаридан кўплари намойиш қилинмоқда. Улар ўзбек каштачиларининг юксак бадиий диди ва машаққатли меҳнати натижасидир. Айниқса қўлда тикилган сўзаналар томошабинларнинг катта эътиборини жалб қилмоқда. Самарқандлик С. Раҳматуллаева, М. Шукурова, сирдарёлик М. Қўзибоева, наманганлик М. Асророва, фарғоналик Р. Қодировалар ўзлари яратган сўзанада ҳақиқий санъат намунасини кўрсатганлар.

БАДИИЙ КЕРАМИКА

Санъатнинг бу соҳаси ҳам кўргазмада катта ўрин олган. Турли-туман лаган ва пиёлалар, кўзалар қадим замондан буён ишлаб келинган. Улардаги гуллар, сополнинг ранги такрорланмас чирой беради. Ўзбек кулоллари яратган турли-туман идишлар ҳамма ерда шуҳрат қозонган. Тошкентлик ёш кулол А. Раҳимов, самарқандлик М. Облоқулов, ота касбини эгаллаган Хива кулоллари М. Бекжонов, Р. Ортиқов, Р. Матжоновларнинг асарлари диққатга сазовордир.

Ургутлик уста Маҳкам Облоқулов барча анъанавий кулолчилик маҳсулотларини яратишда ўзига хос йўл тутади. Унинг лаган ва товоқлари гулларининг ранг-баранглиги билан ажралиб туради. М. Облоқулов яратган диаметри 88 сантиметргача келадиган лаганлар диққатга сазовор. Кулол асосан икки хил—сариқ ва яшил ранглардан фойдаланади. Бу рангларнинг уюшмаси сокин ва ёркин акс этади.

Акбар Раҳимов эса, Ўзбекистон ССР халқ устаси Муҳит Каримович Раҳимовнинг ўғли. У 11 ёшига тўлмасданоқ отаси ўз касбини ўргата бошлаган. Ҳозир Акбар ирригация ва қишлоқ хўжалиги механизацияси инженерлари институтининг IV курс студенти. У ўқиш билан бирга ота касбини давом эттириб, керамика маҳсулотларининг янги формаларини яратмоқда.

Кулолчилик маҳсулотларининг деярли барчаси Москвадаги халқ усталари Бутуниттифоқ кўргазмасига қўйилган.

Кулолчилик билан бир қаторда халқимизда ўймакорлик ҳам кўп асрлардан буён тараққий этиб келмоқда. Ҳозир Хива ҳамда Нукус, Фарғона ва Тошкент усталари курси, устун, ўйинчоқ ва бошқа маҳсулотларни яратмоқдалар.

Кўргазмада ёғочдан ишланган турли-туман ўйинчоқлар ҳам намойиш қилинмоқда. Хивалик С. Боғбеков, нукуслик П. Маткаримов ва Ж. Тўраниёзов, тошкентлик Н. Иброҳимовларнинг асарлари айниқса ажралиб туради.

Кўргазмада Бухоро ва Самарқанд усталарининг мисга ўйиб ишланган асарлари ҳам намойиш қилинмоқда. Бухоролик уста Салимхон Ҳамидов В. И. Ленин қиёфасини мисда тасвир этган. И. Аронов эса доҳий портретини ганч барельефда тасвир этган. В. И. Ленин «Санъат—халқникидир» дегани бежиз эмас. Амалий санъатнинг ижодкорлари орасида бевосита шу касб билан машғул одамларнигина эмас, оддий ишчи ва студентларни, бошқа касб эгаларини кўриш мумкин

Халқимизнинг амалий санъат дурдоналари жуда кўп. Бугунги кунда асрий анъаналаримизни бойитиб янги асарлар яратаётган санъаткорларга ҳар қанча ташаккур айтсак арзийди.

Т. ОДИЛБЕКОВ.



Қодиржон Ҳайдаров. Ўймакор стол.

Адабиёт ва санъат

КИНО

«ХАЛОСКОРЛИК»

МИСЛСИЗ жасорат синови бўлган Улуғ Ватан уруши ғалаба билан тугади. Аммо муқаддас Ватан тупроғини ёвузлардан ҳимоя этиш учун оёққа турган не-не шунқор йигитлар ҳаёт билан видолашди. Йигирма беш йил ўтди... Бироқ опа-сингилларнинг, оналарнинг оҳ-зори ҳали-ҳали тингани йўқ.

...Ватанимиз пойтахти Москвада доҳий мақбараси олдида номаълум солдат қабри бор. Қабрнинг мармар тошларига ҳаяжонли сўзлар ўйиб ёзилган. «Номинг маълум эмас. Жасоратинг манғу ўчмайди».

Ҳа, унинг жасорати, жонни фидо қилиб, Ватан тупроғига бош қўйган миллионлэрча шунқорларнинг жасорати ҳам манғу ўчмайди. У бастакор музикасида, шоирлар қасидаларида мадҳ этилади, рассом асарларида кино лентасида ўз инъикосини топади.

Шу кунларда пойтахт экранларида намойиш этилаётган «Халоскорлик» киноэпопеяси тарихларда ўчмас из қолдирган ана шу улуғ жасоратга бағишланган ажойиб асарлардан биридир.

Унинг халқаро сиёсий аҳамияти ҳам бор. Маълумки, кейинги йилларда буржуазия санъаткорлари Германия фашизмини тор-мор этишда Совет Иттифоқининг ролини камситиш учун зўр бериб уринмоқдалар. «Халоскорлик» ана шу тарихни сохталаштирувчиларга зарба беради.

«Мосфильм» яратган бу киноэпопея ҳақида тўла тўкис фикр айтишга ҳали эрта. Чунки ҳозирча унинг икки фильмигина («Ўтли ёй» ва «Ёриб ўтиш») томошабинлар муҳокамасига ҳавола этилди, холос. Лекин ана шу икки фильмнинг ўзи ҳам «Халоскорлик» киноэпопеяси ҳақида умуман тасаввур ҳосил этишга имкон беради.

Бу улкан кино асари Улуғ Ватан урушининг энг муҳим даврларига бағишланган.

...1943 йил баҳори. Фронтларда бир неча муддат хомушлик ҳукм суради. Бироқ бу бўрон олди сокинлик эди. Гитлерчилар Германияси Сталинград остоналарида қақшатқич мағлубиятга учраганлиги учун янги ҳал қилувчи жангларга тайёрланмоқда эди. Немис генерал штабининг диққат эътибори Курскка қаратилди. Фашистлар Курскнинг шимол ва жанубидан совет қўшинларини қуршаб олиб, ҳал қилувчи ғалабага эришиш мақсадида «Цитадел» планини ишлаб чиқдилар.

Совет Олий Бош қўмондонлиги фашистларнинг планларини сезиб, жуда пухта тайёрланган мудофаа жангларида душманга катта талафот етказиш, сўнг холсизланган немис дивизияларига қарши тўтовсиз ҳужумга ўтиб, тор-мор этишга қарор қилади.

Шу тариқа, Улуғ Ватан урушида рўй берган улкан тўқнашувларнинг бири бошланади. Экран томошабинни гоҳо кўкисини қалқон қилиб, жонини аямай курашаётган солдат окопларига, гоҳида улкан жанг майдонини кўздан кечириб, бевосита рахбарлик қилаётган совет қўмондонларининг штабларига, баъзан тафаккури воқеаларни мамлакат ва жаҳон миқёсида қамраб олиши керак бўлган Москвага Олий Қароргоҳга олиб боради.

«Халоскорлик» киноэпопеясининг биринчи фильми совет қўшинларининг порлоқ ғалабаси Орёл ва Белгороднинг фашист йиртқичларидан озод этилиши шарафига биринчи ғалаба салютлари билан тугалланади.

Иккинчи фильм — «Ёриб ўтиш» Днепр дарёсидан ўтиш учун олиб борилган шиддатли жангларга бағишланган. Бу жангларда ҳам совет ҳарбий тактика ва стратегиясининг устунлиги, кучи намойиш этилади. Днепрнинг чап қирғоғида душманни чалғитиш мақсадида бир неча соҳта плацдарм вужудга келтирилади. Душманнинг катта кучларини ўзига қаратиб совет қўшинларининг Днепрдан ўтиб, душманни ер билан яксон қилишига имконият туғдирган подполковник Лукин, капитан Цветаев, жангчиларнинг кўрсатган қаҳрамонлиги томошабинни қаттиқ ҳаяжонга солади. Аёвсиз урушдан биргина Цветаев омон қолади, лекин ҳалоқ бўлган Ватан фидоийлари ўз ҳаёти эвазига минглаб аскарларнинг жонини сақлаб қоладилар.

Бу жанг манзаралари ғоятда катта маҳорат билан суратга олинган. Мана, дарёдан ўтишда катта танк сувга чўкади. От-арава юклатилган сол одамлари билан ғарқ бўлади... Муваққат кўприк душман бомбасидан портлайди. Лекин совет қўшинларининг ҳужумини ҳеч нарса тўхтатолмайди. Улар тўхтовсиз равишда ёғоч уйларнинг тахталарида, бочкалар ва шунга ўхшаш нарсалар ёрдамида, немислар ёндираётган ўқ ёмғирига қарамай дарёдан ўтадилар. Гитлернинг Совет Армияси йўлида қурган «Шарқ тўғони» қулаб тушади.

Бу фильм унда тасвирланган воқеаларнинг шиддати, жанг майдонининг миқёси, қаҳрамонларнинг ғоятда кўллиги жиҳатидан тенги йўқ деса бўлади. Фильм авторлари бизни Германия фашизмига қарши Европада олиб борилган халқлар кураши билан ҳам таништирадилар, Польша Югославия, Италия, Франция... Қизил Армиянинг немис босқинчиларига етказган зарбалари бутун Европада, бутун жаҳонда акс садо топади. Қулликка тушган халқлар фашизм вабосига қатъий курашга кўзғалдилар.

«Халоскорлик» киноэпопеясида совет солдатининг мужассам образи яратилган. Капитан Цветаев (Н. Олянин), медицина ҳамшираси Зоя (Л. Голубкина), капитан лейтенант Орлов (Б. Зайденберг), полковник Громов (В. Самойлов), полковник Лукин (В. Санаев) ва бошқа кўпгина қаҳрамонлар совет кишиларининг юксак фазилатлари, Ватанга чексиз садоқатини ёрқин кўрсатувчи образлардир. Фильмда тарихий шахслар ҳам бор. Биринчи кадрларданоқ Совет Олий Бош қўмондони И. В. Сталинни (В. Закариадзе) кўрамиз. У маршаллар Жуков (М. Ульянов), Василевский (Е. Буренков) ва генерал Антонов (В. Стржелчик) билан фронт вазиятини муҳокама қилмоқда. Машҳур совет ҳарбий саркардалари Рокосовский (В. Давидов), Ватутин (С. Харченко), Конев (Ю. Легков), Москаленко (Н. Рушковский) ва бошқа атоқли қўмондонларнинг ҳам образлари яратилган.

Фильмни яратишда кўпгина Европа мамлакатлари киностудиялари ҳамда артистлари иштирок этган. Авторлар Юрий Бондарев, Юрий Озеров, Оскар Курганов ва бошқалар Улуғ Ватан урушида қатнашиб, асарда тасвирланган воқеаларнинг кўпини ўз кўзлари билан кўрганлар, совет қўшинлари билан жанг дақшатларини бошларидан кечирганлар. «Халоскорлик» киноэпопеясининг вужудга келишида ҳарбий консультантлар — генерал полковниклар С. М. Штеменко, Г. Н. Орел, А. И. Родимцев, генерал-лейтенант С. П. Синяковларнинг роли катта. Фильм авторлари бундан ташқари ҳарбий стратегия масалаларини юзасидан маршаллар Г. К. Жуков, И. С. Конев, К. С. Москаленкодан муҳим маслаҳат ва тавсиялар олганлар. Шуларнинг ҳаммаси уруш вазиятини, воқеани бузмасдан, бўямасдан ҳақконий инъикос этишга ёрдам берган.

М. УМАРОВ.

Бахши юбилейи олдидан

ЎЗБЕКИСТОН Компартияси Марказий Комитети билан республика Министрлар Совети Ўзбекистон жамоатчилигининг истакларини инобатга олиб, ўзбек совет халқ шеъриятининг асосчиларидан бири, бахши-шоир Эргаш Жуманбулбул ўғли туғилган кунининг 100 йиллигини кенг нишонлашга қарор қилдилар.

Шу муносабат билан тузилган республика юбилей комиссиясига таниқли шоирлар, ёзувчилар, ижодий союзларнинг раҳбарлари, фан ва маданият арбоблари киритилди.

Самарқандда Эргаш Жуманбулбул ўғли туғилган кунининг юз йиллигига бағишланган илмий сессия ўтказишга, шунингдек, ана шу ажойиб халқ шоири достонларининг икки томини ўзбек тилида ва танланган асарларининг уч томлигини рус тилида таъёрлаб нашр этишга қарор қилинди.

Халқ бахшиси туғилган кунининг юз йиллигига бағишланган юбилей кечаси шу йил кузида республика пойтахти — Тошкентда ўтказилади.



Таниқли кабардин адиби Алим Кешоков ўзининг «Уйғоқ чўққилар» романида Кабардин-Болқарияда Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш учун олиб борилган кураш ҳақида қалам тебратади. Роман марказида оддий халқ вакилларининг ҳаққоний ва ёрқин образлари туради.

«Уйғоқ чўққилар» романи кўп миллатли совет адабиётида сўнгги йилларда вужудга келган етук ва бақувват асарлардан биридир. Бу асарни яқинда Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт ва санъат нашриёти китобхонларга туҳфа қилади. Романни Эркин Носиров таржима қилган. Қуйида ана шу асардан парча ўқийсиз.

* * *

МИШ-МИШЛАР

Овулдагилар ҳосилни йиғиштириб олишди. Ҳаммалар маккажўхорига тўлди. Борларнинг ҳар бири ўз инсофи билан ҳосилнинг ўндан бирини йўллар фойдасига беришди. Кузги сайлларнинг вақти ўтиб, дашт ва тоғларга биринчи қор тушди. Қора халқ бўш вақтида ҳар хил янгиликларга қўлоқ солганидан кун сайин одамларнинг вақимасига ваҳима қўшиларди. Астемир билан Эпдорнинг тез-тез гаплашиб туришлари ва аллақаёқларга гумдон бўлишлари Думасарага тобора сирли туюларди. Орадан кўп ўтмай, икковлари Пятигорскка — Степан Ильичнинг олдига кетиб, анчагача дараклари бўлмади. Князь Шардановнинг асосий вакили бўлган жаноб ротмистр пўлат сандиқни очишга шошилса ҳам, бу ишни қилишга улгурмади. У Астемир Баташев олиб келадиган рус уста келишини ҳам кутмай, князь қўрғонидаги штаб-квартирасини тарк этишга мажбур бўлди. Думасара ўзини қўярга жой тополмасди. Унинг акаси бўлган Баляцо буванинг ўғли Казгирей бедарак кетганларни топиб келишга шайланди.

Казгирей Пятигорскка келганида, шаҳарда Терек халқларининг съезди ишини тугатаётган эди. Съезд эндигина Совет ҳокимиятини эътироф қилиб, Терек Халқ Советини ва Халқ Комиссарлари Советини сайлаганди. Ҳамма ерда қизил байроқлар ҳилпирар, ҳаммаёққа ранг-баранг шиорлар ёпиштирилганди. Одамлар тўда-тўда бўлишиб, гап ташлашишарди.

Пятигорск чеккасида истиқомат қиладиган казбардин тўқувчи, намат босувчи, бадавлат сарроҳлардан бирортаси ҳам шхальмивоколик оқоровул Астемир Баташевни ёки Элдор Пашевни билмасди. Рус устага келганда эса ҳамма кабардинлар Казгирейни кўп байроқлар илинган уйга йўллашарди. Нотиқлар уйнинг болохонасида тинимсиз нутқ сўзлашарди.

— Агар рус киши чиндан ҳам ҳамма нарсани билиб, ҳамма нарса ҳақида гапираоладиган бўлса, уни фақат ўша ерда кўрасан.

Одамлар Нальчикдаги ижроия қўмитаси ва округ бошлиғи Клишбиевнинг ўрнига бўлган киши съезд қарорларини эътироф этмаётганини, кабардинлар делегацияси эса у кишини тан олмаётганини гапиришар, шунинг учун съездда Инал Маромканов бошчилигидаги делегатлар билан князь тарафдорлари орасида қуролли тўқнашув бўлиши керак эди.

Инал! Инал Маромканов! Бу ном энди баралла янграрди. Бу гапларнинг ҳаммаси тўғри эди. Чиндан ҳам, бемаъни князь кабардин халқи Советлар ҳокимиятини тан олмади, у Терек-Доғистон ҳукумати қўлида қолишни истайди, деган гапни айтишни ўз зиммасига олганди.

... Округ ижроия қўмитаси ва округ комиссарига кабардинлар ишонмай қўйганларига анча бўлган,—деб жавоб беришди делегатлар кабардин халқи номидан гапиришга ва уни Терек-Доғистон ҳукумати ваъдаларига учган қилиб кўрсатишга журъат этган князга.

— Съезднинг кабардин фракцияси округ ижроия қўмитасининг ҳатти-ҳаракатларини халқнинг деярли ҳар бир овуллардан вакиллари қатнашаётган съезд аҳамиятини ва обрўсини пастга уришга қаратилган ғирғорлик ҳатти-ҳаракатлари деб топади...

Болохонадагилар ана шулар хусусида гапиришар, деворлардаги варақаларда ҳам ана шулар ҳақида сўз кетарди.

Бу янгиликлар Шхальмивоко овулига шаҳардаги оломондан Астемирни ҳам, Степан Ильични ҳам тополмай қайтган Казгирейдан илгариёқ етиб келганди.

Давлатга ўхшаган миш-миш, ғийбат ва ёлғоняшиқларга суяги йўқ одамларнинг куни туғди. Бироқ бу борада Чачадан ўтадигани топилмаслиги маълум эди.

Чача ҳам нартлар меросининг афсонавий хазиначиси бўлган гўзал Даханагога ўхшамагандек, Давлат ҳам чинакам дуохонга сираям яқин келмасди. Чача дарахтдан дарахтга ўтиб ҳамма инларга кириб чиқадиган чақимчи загизгонга ўхшарди.

Давлат билан Чачанинг жуда кўп қилиқлари бир-бирларинникидан фарқ қилмасди. Овулда Давлат билан кекса чақимчи бош суқмаган бирорта ҳам уй қолмаганди. Ғийбат гўё Давлатнинг чолворидан тортиб, Чачанинг кенг юбкаси чокларигача уя қўйганга ўхшарди.

Давлат бир куни Думасарани кўриб қолиб тўхтатди.

— Казаклар большевикларни қийма-қийма қилганларини эшитдингми?—деди у Думасарага,— Омон қолганлари худди отларининг думи куяётгандек ўзларини ўрмонга уришибди.

Думасара бу гапни эшитиб титраб кетди. Уйда анча кундан бери «большевик» деган сўз айтилгудай бўлса болалари «отам» дейишарди.

Чача ҳам тинч турмасди. У оламдаги ҳамма князлар бир қўшин бўлиб, большевикларни чопиб, отиб ташлаётганмиш, дерди.

— Агар ёлғон гапираётган бўлсам, мени худо урсин. Менга қара, Думасара. Кечаси мулла Саиднинг уйига битта одам келибди. У муллани уч марта чақирибди. Мулла ташқарига чиққан экан, нотаниш киши қўлини кўтариб: «Тўхта, яқин келма, номозхонларингга айт, бугундан бошлаб қайси уйда большевик бўлса, жума куни уйдан нон ҳиди аримайди».— дебди. (Чача ўша уйдан ўлик чиқади, деб шама қиларди. Чунки одатда жума куни ўлик бахраманд бўлсин деб нон ёпилади). Ўрмонда одам осишга бутоқ қолмаганмиш, даралар қип-қизил қонмиш. Буларнинг барини менга мулла Саид айтди.

Агар ҳар ерда «қизиллар» билан «оқлар» ўртасида жанглар кетмаётганда, Чачанинг сўзлари одамларга бунчалик кучли таъсир кўрсатмаган бўларди.

Чача кечқурунлари бошқача, одамга анча тасалли берадиган хабарлар билан келиб қоларди. У энди, қизиллар шайтонининг мадади билан ботқоқликка ўтиб кетишибди, шунақанги усталик қилишибдики, ҳатто биронтасининг ҳам чуваги нам бўлмабди, дерди.

Муса билан Батако ҳам тек туришмасди. Улар мулла Саид нима деса шуни гапириб юришарди. Уларнинг гапларига қараганда большевикларнинг кимлиги энди аниқ-таниқ эмиш. Улар дўзах алангасидай катта ҳам, кичик ҳам эмас эканлар. «Олло яқинда ҳамма бандаларини қаттиқ назардан ўтказади. У кимнинг гангиб, имонидан айрилишини ва кимнинг имони басавлат қолишини ўз кўзи билан кўрмоқчи», дейишарди. Муса билан Батако мулланинг дабдабали гапларини такрорлашар, уришқоқликда отнинг қашқаси бўлган Давлат эса энди большевиклар билан эмас, Саид ва Мусанинг тўғри ниятли тарафлаци лари билан қий-чувоқ бўларди.

(Давоми бор).

* ЯХШИ ФАЗИЛАТЛИ КИШИЛАРИМИЗ

Тунлари бедор...

Раъно опа Анвар аканы одатдагидек: «Навбатчилигингиз бехатар ўтсин, яхши бориб келинг», — деб эшиккача кузатиб қўйиб, ишга уриниб кетди. Орада-ҳеч қанча вақт ўтгани йўқ эди, дарвоза тақиллаб қолди. Эшикни очган эди, қаршисида Анвар ака кулиб турибди.

—Ҳа, тинчликми? — деди эрининг юзидаги табассумдан ўзини босиб олган Раъно опа.

—Тинчлик, тинчлик. Қани кийининг, сизга ҳам иш чиқиб қолди,— деди Анвар ака.

Раъно опа «нима гап ўзи?» дегандек эрининг юзига тикилди.

—Қани бўла қолинг, бизга қараб туришибди.

Раъно опа кийингани уйга кириб кетди.

Анвар ака такси ёнида турган, башанг кийинган йигитни хотинига таништирди.

—Дўстим Адам тўйга айтгани келибди. Эсингиздами?..

Бу воқеага бир йил бўлган эди. Анвар ака навбатчиликдан қайтаётганида соат иккига яқинлашиб қолганди. Ҳамма кундузги унумли меҳнатдан сўнг ором олмоқда. Фақат Анвар акага ўхшаган халқнинг оромини кўзлайдиган соқчиларгина бедор. Анвар ака бугунги кундан кўнгли тўлиб, атрофга зийрак боқиб кетаркан, ўзидан анча нарида, майдондаги арча дарахтлари орасида одам кўрингандек бўлди. Анвар ака сергакланиб, қадамини тезлатди. Янглишмаган эди. Уч безори бир аёлни арчазор томон тортар, аёл қаттиқ қаршилик қилиб, уларга бўй бермаётган эди. Анвар ака дадил ҳаракат қилди. Безорилар унга бас келолмасликларини билиб қочишди. Бироқ, Анвар ака уларнинг учаласини ҳам жуда яхши эслаб қолганди. Эртасига ҳаммаси қўлга олиниб, тегишли чора кўрилди. Буларнинг чангалига тушган иффатли аёл Чилонзордаги болалар боғчасидан бирининг тарбиячиси эди. У кечаси дард тутган, эри командировкада бўлган қўшнисини туғруқхонага қўйиб келаётган эди.

Анвар ака навбатчи машинани чақириб, аёлни уйига ташлаб келишни буюрди. Навбатчи машинани ўша куни Адам бошқараётган эди. Бугун тўйга айтиб келган шу йигит эди.

Бу Анвар аканинг ҳаётидаги ибратли ишларнинг биттаси, холос... Агар ҳаммасини ёзадиган бўлсак, битта саргузаштли қисса бўлади. Анвар акадан «Янгиариқ» маҳалласининг аҳолиси жуда хурсанд. Бу ердаги осойишталикни айтмайсизми? Бунга ўзимиз ҳам гувоҳ бўлдик.

Яқинда биз дружиначилар — Узбек Совет Энциклопедияси ходимлари «Янгиариқ» маҳалласига биркитилдик. Бизни ёшгина йигит —кичик лейтенант кутиб олди.

Бу ширинсуҳан йигит Киров район ички ишлар бўлимида хизмат қилишини, исми Анвар Қовилов экан лигини эди. У бизга вазифамизни қисқа ва аниқ баён қилиб берди-да, маҳаллани айланишга таклиф этди. Ҳаммамиз ёнма-ён кетяпмиз. Кеча тинч. Одамлар ором оляпти. Бундан жуда қувондик. Негаки, аввалги сафар Парашютний кўчасида тамом бошқача манзарани кўрган эдик-да.

—Анвар ака, бу дейман, сизга жуда маза экан-у, қаранг, ҳаммаёқ сув сепгандек, —деди шерикларимиздан бири.

Бунга жавобан Анвар ака кулиб, ёнидаги кишига қарзди. У, шу маҳаллалик Ориф ака эди. Анвар ака ўрнига у жавоб берди:

—Қаёқда дейсиз. Анваржоннинг шарофати билан шунақа бўлди-да. Анваржон бизга участка бошлиғи бўлиб келмасдан олдин кечасидаги бақириқ-чақириқдан ухлай олмай каллалар ғувуллаб кетарди. Мана шу ернинг ўзида, магазин олдига қўйилган скамейкада тўрт-бештаси ўтириб олиб, қилиқлари билан кишиларни ранжитарди. Бир-иккита тўқлиққа-шўхлик қилиб юрган маҳалла ёшларини айтмайсизми! Яна улар ажабтовур нуфузли одамларнинг болалари, кечаси билан гитара тингиллатиб, ўтганнинг ўрғочини, кетганнинг кетмонини олишарди. Анваржон келдилар-у бари барҳам еди. Ҳа, Анваржон ёш бўлишига қарамай, ҳаммамизга бош бўлди. Маҳалламизда кўнгилсиз воқеаларга чек қўйилди.

Биз Анвар ака билан маҳаллани айланар эканмиз, Ориф аканинг гапи тўғри эканлиги ғашончи ҳосил қилдик. Анвар акани қанақа одам эканлигини унинг босиб ўтган йўлидан ҳам билса бўлади. У ишга кирганда оддий милиция ходими эди. Беш йил ичида кичик лейтенант даражасига кўтарилибди.

Анвар аканинг ўзи шундай дейди:

— Навбатчили ғами тинч ўтган куни кўнглим жуда тўқ бўлади. Негаки, маҳалла одамларининг ороми бузилмайди.

Белгиланган вақтимиз тугаб, уйга қайтар эканмиз, Анвар ака бизни бекатгача кузатиб қўйиб самимий хайрлашди-да навбатдаги кўчага ўтиб кетди.

Одамлар бахти-саодати, тинчлиги ва ором олиши учун доим сергак бу посбон йигитнинг ортидан меҳр билан қараб қолдик.

Ҳ. КАРИМОВ,
илмий ходим.

* МЕНИНГ МИЛИЦИЯМ

Осойишталик посбони

Аҳмад постдан қайтиб келганида соат миллй тунги иккини кўрсатарди. Кийимларини ечиб, овкатга ҳам қарамай, қаравотга чўзилди. Энди кўзи илинган экан, телефоннинг устма-уст жиринглашидан уйғониб кетди.

— Алло! Қаердан? Бўлимдан?! Тинчликми ўртоқ Содиқов? Хўп! Ҳозир етиб бораман.

Аҳмад ака апил-тапил кийинди. Пиширлаб ухлаётган қизчасининг пешонасидан ўпиб, ташқарига йўл олди. Унинг янги иш куни бошланган эди.

Оператив группа Абдулла Қаҳҳор кўчасига етиб борганида озиқ-овқат магазинининг қоровули ҳушсиз ётар, безори аллақачон қочиб улгурган эди. Бу ишни синчиклаб ўрганиш, жиноятчини қидириб топиш вазифаси Аҳмад Абдуллаевга топширилди.

Орадан икки кун ўтгач, тажрибали сержант безорини қўлга туширди...

Халқ осойишталиги деб неча-неча тунларни бедор ўтказаётган Аҳмад Абдуллаев номини Фрунзе район 9-милиция бўлими ходимларигина эмас, ишчилар, кексалар, студент ва ўқувчилар ҳам ҳурмат билан тилга олишади. У навбатчилик қилган Абдулла Қаҳҳор, Глинка, Физкультурная кўчалари, Тўқимачилик комбинати, Туркман бозори, 54-разъездда безорилар, ичкиликка, текинхўрликка ружу қўйганлар камайиб бормоқда.

Неча-неча ёшларни тўғри йўлга, меҳнат қучоғига йўллаган Аҳмад ака ҳамиша сергак.

— Аҳолининг тинчлиги—менинг тинчлигим, — дейди у.

Қ. МАЛИКОВ.



ТОҒ ЛОЛАСИ.
А. Тўраев фотоэтюди.

* ТЕКИНХЎРЛИК, БЕЗОРИЛИК ВА ИЧКИЛИКБОЗЛИККА ШАФҚАТ ЙЎҚ!

ШАҲРИМИЗГА ДОҒ ТУШИРАЁТГАНЛАР

Майда безорилик учун қамалганлар

Латипов Ф. А. 1941 йилда туғилган. «Узбектеплосеть» слесари. Маст ҳолда ҳамхонасини урганлиги учун 15 сутказа ҳукм қилинди.

Исмоилов Э. А. 1943 йилда туғилган. Чкалов номли заводнинг 47-цехи электриги. Маст ҳолда гражданка Умарованга шилқимлик қилганлиги учун 15 сутказа қамалди.

Комилов Н. А. 1930 йилда туғилган. Тошкент пассажир таъминоти трестининг 3-автопарки шофёри. Маст ҳолда уйида жанжал кўтарганлиги учун 10 сутказа озодликдан маҳрум этилди.

Ҳушёрхонада тунаганлар

Штирев В. 1936 йилда туғилган. «Таштранспецстрой» трестининг 4-бошқармаси шофёри. Қаттиқ маст ҳолда Фарҳод кўчасидан ҳушёрхонага олиб келинди.

Лисенко П. В. 1938 йилда туғилган. Пардозлаш трестининг 28 бошқармаси монтажчиси. Қаттиқ маст ҳолда Фарҳод кўчасидан ҳушёрхонага олиб келинган.

Алемзаев А. А. 1935 йилда туғилган. Асфальт-бетон заводининг 8-қурилиш бошқармаси ишчиси. Қаттиқ маст ҳолда Беруний кўчасидан ҳушёрхонага келтирилди.

* СУД ЗАЛИДАН

ҚИЛМИШ—ҚИДИРМИШ

Алексей Соколов 1-Ўзгариш совхозида шоферлик қиларди. Совхоз маъмурияти унга ГАЗ—51 «03-88 ТШД» автомашинасини ишониб топширган эди. Аммо Алексей рулга «отиб» ўтирадиган одат чиқариб қолди. Совхоз маъмурияти унинг бу қилигини билса-да индамади.

У хизмат вазифаси билан Сергели массивига келди. Ўша ердаги озиқ-овқат дўконидан «отиб» олиб, йўлдош шаҳарчага йўл олди. Шаҳарчага кираверишда ароқ Алексейнинг бошини гаранг қилди. У автомашина тезлигини ошириб, йўлнинг чеккасида кетаётган икки кишини машинанинг олдинги қаноти билан туртиб кетди. Гражданин Гробов енгил жароҳатланди. Серафимов эса мажруҳ бўлди.

Жавобгарликдан қўрққан Алексей жуфтакни ростлаб қолди. Милиция ходимлари иккинчи куни уни қўлга олишди...

Яқинда Сергели район халқ судида ароқхўр шофер Алексей Соколов иши кўриб чиқилди. Одил суд уни саккиз йил озодликдан маҳрум қилди.

Н. БОТИРОВ,
Сергели район халқ суди секретари.

●«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ДА БОСИЛГАНДАН КЕЙИН

УНВОНИДАН МАҲРУМ ҚИЛИНДИ

Газетамизнинг 3 апрель сонида ҳушёрхонага тушганлар рўйхатида давлат махсус конструкторлик бюросининг катта инженери Д. Черноговнинг ҳам бўлгани ҳақида хабар қилинган эди.

Бошқарма бошлиғининг ўринбосари С. Лихмачевнинг редакцияга юборган жавобидан Черноговнинг ҳулқи ўртоқлик суди ичилишида муҳокама этилгани ва унга виговор берилгани маълум қилинади.

МУНОСИБ ЖАЗО

Газетамизнинг 16 апрель сонида ҳушёрхонага тушганлар қаторида гидрометеорология хизмати бошқармасининг катта инженери С. Медведевнинг ҳам номи бор эди.

Давлат махсус конструкторлик бюросидан хабар қилинишича, Медведевнинг ҳулқи маҳаллий комитет ва бўлим коллективи ўртасида муҳокама этилди. У коммунистик меҳнат зарбдори унвонидан маҳрум қилинди.

АРОҚХЎР ВИГОВОР ОЛДИ

Газетамизнинг 17 апрель сонида ҳушёрхонага тушганлар қаторида Октябрь районидаги 132-мактаб ўқитувчиси С. Ҳикматовнинг ҳам бўлгани хабар қилинган эди.

Октябрь район халқ маорифи бўлимининг мудири А. Саидаҳмедов редакциямизга қилган ёзмасида ўзидаги вазифа юзасидан ҳушёрхонага тушганлар қаторида бўлган ўқитувчи С. Ҳикматовнинг ишхонасида ўтказилган мажлисда ўртоқлар ишхонасида муҳокама этил ди. Ароқхўрга виговор берилди.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.



ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 19|V да **Марварид** ижлоҳчилар, 20|V да **Чио-Чио-Сан**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 20|V да **Олтинчи июль**, 21|V да **Бой ила хизматчи**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 20|V да **Қайнона**, 21|V да **Ёшлинда берган кўнгил**, 22|V да **Жон қизлар**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **лилипутлар иштирокида янги цирк томошалари программаси ва Болгария цирки артистларининг гастроллари.**

«ЮБИЛЕЙНИЙ» СПОРТ САРОЙИДА — **Ленинград Давлат муз устидаги балетининг гастроллари.**

28 май кундуз соат 2 да. В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг биология фанлари бўйича илмий даражалар берувчи илмий совет кенгаши (К. Маркс кўчаси, 35 уй, 133 аудитория) да биология фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

А. Л. Шкидзе: «Ўзбекистон балиқ ҳовуз хўжалик шароитида карп балиғини ҳархил сифатли ривожланиши» деган темада.

С. М. Рябова: «Карп балиғини сунъий овқат билан озиқлантириш ҳовуз балиқ хўжалигини интенсификация формаси» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан университетнинг илмий кутубхонаси (Студентлар шаҳарчаси 4 уйда танишиш мумкин.

Кино

19 МАЙДА

Қотилликда айбланади — «ЧАЙКА», «СПУТНИК», «ЎЗБЕКИСТОН», «МОСКВА», «ДРУЖБА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кеч курун).

Мазандарон шери — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечкурун).

Олтин — «ВОСТОК» (кундуз ва кечкурун).

Ун беш ёшли капитан (эрталаб соат 9 яримда), Халоскорлик (2 серия) эрталаб соат 11, кундуз 2.15, 5.30 ва кеч 8.30 минутларда) — САНЪАТ САРОЙИ

20 МАЙДА

Қотилликда айбланади — «ЧАЙКА», «СПУТНИК», «ЎЗБЕКИСТОН», «МОСКВА», «ДРУЖБА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечкурун).

Мазандарон шери — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечкурун).

Сўнгги каникуллар — «ЗОСТОК» (кундуз ва кечкурун)

Ун беш ёшли капитан (эрталаб соат 9 яримда), Халоскорлик (2 серия, эрталаб соат 11, кундуз 2.15, 5.30 ва кеч 8.30 минутларда) — САНЪАТ САРОЙИ

Озод туғилган — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 4 кеч 8 да).

28 май кундуз соат 2 да Ўзбекистон ССР Фанлар академияси физика-техника ва математика фанлари бўлимларининг техника фанлари бўйича бирлашган илмий совет кенгаши (Я. Колас кўчаси, 28 уй) да техника фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

Р. С. Розиков: «Диодсиз логик схемалардаги трансфлюксорларни ишлашини текшириш ва уларни ҳисоблаш усули ҳақида» деган темада;

Ш. С. Валиев, «Вентилли частота ўзгарткич — асинхрон двигатели системасидаги асинхрон двигателнинг номинал частотаси ҳақида» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан академия кутубхонаси (А. Тўқаев кўчаси, 1 уй) да танишиш мумкин.

28 май кундуз соат 2 да Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг илмий даражалар берувчи совет кенгаши (Педагогика кўчаси, 103 уй, 61 аудитория) да педагогика фанлари доктори илмий даражасини олиш учун

Р. А. Асадов: «Саккиз йиллик туркий мактаблар учун норматив мактаб грамматикаси она тили курсини тузишнинг илмий асослари» (Озарбайжон тили материаллари асосида) деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИ

Диссертация билан институт кутубхонасида танишиш мумкин.

29 май кундуз соат 2 да Тошкент политехника институти геология ва тоғ—металлургия факультетларининг совети кенгаши (Гоголь кўчаси, 68 уй) да геология-минералогия фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

Ш. И. Йўлдошев: «Бухоро — Қарши структуралар системасининг юра давридаги тарихий тектоник ривожланишига доир» деган темада;

А. Р. Имамкариев: «Фарғона водийсидаги нефтли ва газли бўр ётқизиқларининг коллекторлик хусусиятларига доир» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан институт кутубхонаси (Навоий кўчаси, 13 уй) да танишиш мумкин.

29 май кундуз соат 3 да Тошкент халқ хўжалик институти илмий совети (Олмазор кўчаси, 183 уй) да иқтисод фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

И. Мардуховнч: «Капитал қурилишни механизациялашнинг иқтисодий эффективлиги ва уни ошириш йўллари» (Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистон ССР қурилиш министрликлари материалларида) деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИ

Диссертация билан институт кутубхонасида танишиш мумкин.

Г. А. Тошмуҳамедова ва **З. Ж. Ашурбоевнинг** диссертация ёқлаши («Совет Ўзбекистони», 9 май сонига қаралсин).

22 майга
КЎЧИРИЛАДИ

Чирчиқ медицина билим юрти томонидан **Норхўжаева Тожихон** номига берилган Е 977718 номерли йўқолган

ДИПЛОМ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Радио

18 МАЙ
ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 «Ишлаб чиқариш резервларидан самарали фойдаланайлик». Хоразм область партия комитети саноат-транспорт бўлими мудири Р. Полвонов сўзи (русча). **18.10** А. Глазунов. «Степан Разин» симфоник поэмаси. **19.20** Халқ ҳофизлари концерти. **20.00** «Юность Узбекистана» радиостанциясининг программаси. **21.00** Халқаро мавзуларда суҳбат (Узбекча). **21.10** Қишлоқ хўжалик ходимлари учун концерт. **22.20** Кинофильмлардан қўшиқ ва куйлар. **22.40** «Замондошлари-миз». Б. Маҳмудовнинг «Улғайиш» очерки (Ўзбекча). **23.15** Дам олиш концерти.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 Ўзбекистон радиоси ва телевидениеси квартетининг концерти. **19.30** Ива Жидек ижросида қўшиқлар. **20.00** «Зулфия халқ шоираси». Адабий эшиттириш (тожикча). **20.20** Мақомлардан парчалар. **21.00** М. Ю. Лермонтов. «Тамань» радиоинсценировкаси (ўзбекча). **21.40** МОСКВА.

Телевизор

18 МАЙ
ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.30 Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 18.35 Телевизион янгиликлар. 18.45 Совет Армияси жангчилари учун «Жасорат ва қаҳрамонлик».

19.00 ТОШКЕНТ ШАҲАР ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ БАДИИЙ ҲАВАСКОРЛАРИНИНГ ЯКУНЛОВЧИ КОНЦЕРТИ. Тўқимачилар маданият саройидан олиб кўрсатилади.

Узбек тилида: 21.00 Телевизион янгиликлар. 21.15 Адабий театр. «Шоирнинг жасорати». 21.55 Оламда нима гап? (рус тилида). 22.25 «Чупе» махфий операцияси». Телевизион бадиий фильмнинг учинчи серияси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

УҚУВ КУРСАТУВЛАРИ ПРОГРАММАСИ

Узбек тилида: 18.00 Эстетика асослари бўйича факультатив нурс. 9— 10-синфлар. «Эстетик тарбия масалалари». 18.40 Экспериментал 1-синф ўқитувчилари учун консультация. 19.10 сиртдан ўқиётган студентлар учун олий математика.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.15 Адабиёт ҳақида суҳбат. 21.00 Янгиликлар. 21.05 «Пионерия» телевизион агентлиги. 21.30 Беш йилликнинг ҳал қилувчи йили. 22.30 «Опера билан танишув». «Брест қалъаси». Воронеж опера ва балет театрининг спектакли. 01.00 Спорт панорамаси. 01.20 Баскетбол бўйича жаҳон чемпионати. Югославиядан олиб кўрсатилади. 02.25 Москва кўрсатувларининг охири.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА
ДУШАНБА КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 18.00 Экран — болаларга. 18.30 ГАИ кундалигидан. 19.00 Янгиликлар. 19.15 «Янгра, барабан!». Телефильм. 20.25 Ленин мукофоти лауреатлари, Николай ТИХОНОВ. 20.50 «Оқшом эртаклари».

Тожик тилида: 21.00 Дўстлар овози. 21.30 Музикали экран. 22.00 Янгиликлар. 22.15 Телевизион театр. «Арзимас».

ЎЗБЕКИСТОН ССР ГЎШТ ВА СУТ САНОАТИ МИНИСТРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ КОНСТРУКТОРЛИК-ТЕХНОЛОГИК БЮРОСИГА

қурувчи, гўшт бўйича, сут ва совутиш саноати, сметачи, сантехник, ўлчов асбоблари ва автоматика контроли бўйича, иситиш ва вентиляция бўйича, ахборот хизмат мутахассислари бўйича инженерлар, шунингдек машинистна, муқоваловчилар, чизмачилар, слесарлар, токарлар, газ ва электр пайвандчилар, электрчилар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Тимирязев кўчаси, 23 уй (2, 6 трамвай, 9, 11, 19, 49, 56 автобусларнинг «Геологоразведка» бекати).

Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ маорифи бўлими, район касаба союзлари комитети ва 39-мактаб педагогика коллективи шу мактабнинг математика ўқитувчиси

Фатхулла
РАХМАТУЛЛАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оиласига чуқур таъзия изҳор қилади-лар.

Тошкент оқшоми 4 бет. 18 МАЙ, 1970 й.

«Вечерний Ташкент» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар, Дзержинский кўчаси, 15-уй. Редакция телефонлари: Коммутатор — 33-02-49 дан 33-02-58 гача редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар — 33-27-22 партия, совет ва касаба союзлари ҳаёти бўлими, шаҳар ҳаёти бўлимлари, 33-29-42, адабиёт, санъат ва маданият бўлимлари — 33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар — 33-27-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари — 33-27-57, саноат, транспорт ва қурилиш бўлимлари — 33-27-03, ахборот бўлими — 33-28-95 эълонлар бўлими — 33-81-42.

Узбекистон Компартияси Мариазий Комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64579.
НАШР 3004.
Р—02522.